


1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА № 194 (689)

Сотувда эркин нархда. 1993 йил.

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАШ САОДАТИ



СУРАТДА: Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош котиби Бутрос Галий билан учрашувидан сўраб. (Ў.А.)

Энгизда бўлса, бир неча йил аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилати хусусида гап кетганда, энг дадил хур фикрли ватандошларимиз чуқур тин олиб, қанинги бизнинг Ўзбекистон ҳам Украина ёки Беларусия қатори шу ташкилотга аъзо бўлса, дея орзу қиларди. Ва бу орзумиз салкам шаклонлик билан баробар эди. Собиқ СССР таркибидан Россиядан бошқа яна икки-уч славян жум-

ҳуриятга БМТга аъзолик ҳуқуқи берилган, аммо бу ҳуқуқ жуда заиф эди: «катта оға» нима деса, «ини»лар ҳам шуни маъқуллаб бош иргарди, холос. Эътироф этмоқ керакки, ўша шаклон орзумиз СССР давлати харитасини ўзгартириш ниятидан мустасно эди.

Замон кескин ўзгарди дунёда яна ўн бешта мустақил давлат юзга келди ва уларнинг миллий байроқлари Бирлашган Миллатлар Таш-

килотининг Нью-Йорк шаҳридаги муҳташам иморати олдида тикилди. Урф-одатлари, анъаналари, умуман, фикр ва идрок тарзи турлича бўлиб, ягона иттифоқ таркибидан, ягона изнга бўйсуниб яшашган халқлар истиқлолга эришгач, ҳар бири мустақил тарзда ўзи хоҳлаган йўл ва йўсинларни танлаш ишонаига эга бўлди. Бу — гойат катта бахт. Тўғри йўл танлаш эса — ундан-да ортиқроқ саодатдир.

Собиқ СССР жумҳуриятлари озолиқнинг илк давларида бошлаб эркин бозор муносабатларига мойилликларини ошқор этдилар. Бу тушунча СССР парчаланган пайтдаёқ биз учун янгилик эмасди. Аксинча, торбачевча «қайта қуриш» даврининг гойат чуқур орозулар ва илҳомли ислохотлардан иборат мафқураси томонидан оғинишга роса тиқилтирилган эди. Аммо «қайта қуриш» муаллифла-

ри кўпроқ гап билан овора бўлиб, амалий ҳаракат дастурини мутлақо ёддан чиқариб юборганлари тез орада маълум бўлди. Эркин бозор қоидаларига садоқат, илҳом этиш билангина иш битмаслиги ҳам тез орада ойдинлашди. Мустақил давлатларнинг ҳар бири ўзига йўл ахтарди. Баъзи жумҳуриятлар ўзларининг жуғрофий жиҳатдан Оврупога мансуб эканига ортиқча мафтун ва масрур бўлиб, ўттиш даври қаттиқликларини унутиб, оврупоча «Шок терапияси» «На-рахт этиб даволаш» йўлини тутдиларди. аҳолининг кўпчилиги қисим гойат нозор аҳволга тушиб, боз устига юрт эгалари орасида ола чиқиб, ўзаро тунашулар кўз бериб, воқеаларнинг охири оқибати не бўларини билмай турибдилар.

Иккинчи хил давлатлар бир «Катта оға»дан қутулишга улгурмай туриб, яна бошқа «Катта оға» чағалига тушиб қолдилар. Ёттиш тўрт йил дахрийлик руҳида тарбияланган жамият тепасига эшон мулалар чинди, қаттиқ сиёсий тағиллик тузилди, қон тўкилди, хотинлар — бева, болалар етим қолдилар. Энг ёқини — иқтисод ҳориди, қолдан тойдилар. Иқтисодий ривож даражаси неча ўн йиллар орқага кетди.

Яна бир давлатда салтанат изми гапдон олимлар қўлига тушиб, идора услуби деган нарсаялганга пушаймон бўлиб, бутун эса, юрт оғалари иқтисодиётнинг синиқ қорсонини олдиларга қўйиб, уммонлар ортидан маслаҳат усақалар кутмоқдалар.

Боз бир давлатлар бўлдики, салтанат бошлиқлари неча бор алмашиб, яна эски туралар жийвон қўлга олдилар. Бу ерда ҳам манза-

ра жуда аянчли: жамият парчаланган, мамлакат ахли бир эмас, гуруҳларнинг гоҳ буниси, гоҳ унис майдонга чиқиб, гардам деб ошнқ ўйнаш билан овора.

Хуллас, ҳар бир давлат ўз ҳокимияти танлаган йўлдан бориб, ўз ҳокимияти дуч келтирган омад ёки омадсизлик таъминия татиб кўрмоқда. Ўзбекистон танлаган йўл муҳтарам ўқунчига жуда яхши эди. Бу йўл — ортиқча ҳовлиқмасдан, ортиқча киббога берилмасдан, қадам-қадамдан, элу юртнинг урф-одати ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, халқни ўта зор қилиб қўймасдан бозор муносабатларига ўтиш. Бу йўлни ҳам жуда текис ва раво деб бўлмайди. Унинг-да ўзига яраша азоблари йўқ эмас. Унинг-да хатолари бўлади. Бейб — парвардигор, деган ибора бор. Инсон, ҳар қанча фозил ва одил бўлмасин, хато қилиши табиий. Муҳими — бу хатоларни тезда англаш ва янада тезроқ суръатлар билан тузатиш. Ҳар ҳолда, атроф те-варани қузатиб, салтанат иллови ўқули ва маълум даражада қаттиққўл сиб-сатчилар қўлида бўлгани маъқул, деган инсоқлар ала-ди кун сайин ошиб бораётганига, ҳеч ким шак келтир-ролмайди. Меҳнат ва интизом тушунчалари, гарчи улар «Қайта қуриш» ва «Оммавий демократия» давр-ларида қариб кун тарти-бидан тушиб қолай деган бўлса-да, бутун яна тирик-чилиқнинг асоси бўлмиш иқтисодиётда ўз ўрнини то-моқда. Натжиас ҳам ёмон эмас. Фабрикалар ишлапти, зовутлар ишлапти, олий ўқув юртлари ва мактаблар очик, кексалару серфарзанд оилалар нафакасини оляпти. Ногиронлар ҳам четга (Давоми 2-бетда).



ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

ФАРҒОНАДА вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди.

Унда Республика Президенти Ислам Каримовнинг Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисо-ласида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими М. Исмолов шу ҳақда маъруза қилди.

БАРАКА БОЗОРДА



ШОФЕРКОН ўрмон бўлиғи жамоаси бозор муносабатларига мослашиб йўлларини изламоқда. Бу ерда 20 гурдан энди мақсудот тайёрлаш ўзлаштирил-ган бўлишига қарамай, харидорлар калк истя-моқ моллари ишлаб чиқариш цехи ҳам очилди. Аҳоли рўзори-дан ҳар кун эсқотадиган ҳар хил сават ва супурги каби моллар-нинг бозори чаккон. Айниқса, Мехри Эшму-родова билан Гўлжон Омонова тўқитган гўл-саватларнинг харидори кўп.

УМИД ҚИЛСА БЎЛАРКАН

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон тиббиётчи-лари «Шеринг АО» фирмасининг ҳаффи ўсма касалликларига қарши қўлланиладиган ультравивек моддаси Ўр-дамда қатор тадқиқотлар ўткази-шавпти.

РЕСПУБЛИКА Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Олмония мутахассислари ўтказган симпо-зиумда ана шу масала муҳокама қилинди. Унда Россия, Қозғистон, Туркменистон, Қир-ғизистон тиббиёт олимлари иштирок этдилар. Хорижий мутахассислар тадқиқотларнинг са-марали бўлишига умид боғлашапти.

САҲНАДА... ТИЖОРАТ

СВЕРДЛОВ вилоятининг Ирбит драма театри артистлари саҳнадаги-нинг камини бозорда тўдаришав-пти.

БИР йилгача қирқ ҳунар оз деганларидек, санъаткорлар янги иқодий фаолият бошла-дилар. Театр маъмурияти енгил автомобил-наларнинг газ билан ишлайдиган двигател-лари савдосида даллолликни аниқ олдириб юборди.

Шундай қилиб театр бозор муносабатла-рига ўтди. Аммо саҳна томошалари муҳли-лари ҳайрон: янги двигателлар саҳна санъатининг ривож учун асқотармикин?

ҚИШЛОҚДА СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Яқинда Нарпай туман-даги «Москва» жа-моа бўлиғида янги спорт комплекси қу-ри-либ, фойдаланишга то-пирилди. Эндиликда, бу ерда ёш спортчи ва ил-лосмакдларнинг қувон-чи чексиз. Бу комплек-сда сузиш бўйича му-садалар ўтказилиб ту-рилиши кўзда тутилмоқ-да.

СУРАТДА: сузиш ҳа-взасида.

ЭЛЧИХОНАДА БАЙРАМ ТАНТАНАСИ

да девор билан ўраб қў-йилган икки герман дав-латининг бирлашуви хал-қимиз ҳаётидаги энг улуг воқеалардан биридир, — де-ди Германиянинг Ўзбекис-тогдаги фахруллоҳда ва мухтор элчиси Карл Хайнц

Куна. — Бугунги байрамни биз билан бирга нишонлаёт-ган ўзбек халқини ўзимиз-нинг ишончли ҳамкоримиз ва дўстимиз деб биламиз. Байрам муносабати бил-лан немис халқи ва жум-ладан, элчихона ходимла-

рини республика раҳбария-ти номидан Ўзбекистон жумҳурияти Бош вазири-нинг ўринбосари У. Султо-нов табриқлади.

Қабул маросимида Пре-зидентнинг давлат масла-ҳатчиси А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди. (Ў.А.)

ги техникасини мавсумга тайёрлаш, уларга керакли эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ишларини суъайтириб юборгани учун туман киш-лоқ хўжалиги таъминоти ва таъмирлаш бирлашмаси раҳ-бари Н. Абдуваззов ҳам ва-зифасидан бўшатилди.

Етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишни ташкил этиш маҳаллий ҳокимият идорала-ри, хўжалик, корхона ва жамоат ташкилотларининг энг долзарб вазифаси этиб белгиланди. Тумандаги барча имконият ана шу ма-садга эришишга жалб этил-моқда. (Ў.А.)

ДЕҲҚОН - ФЕРМЕРГА ҲОКИМ АРО ТУРГАЧ

Шу йилнинг эрта бажорда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги «Гўлжон» жамоа хўжалигининг умумий йиллиги қарори билан «Мамасайд ота» деҳ-қон (фермер) хўжалиги тарқатиб юборилишига қарор қилинди.

Бундай парокандалик уст-идан табиийки фермер Ма-машукур Иброҳимов туман ҳокимига мурожаат қилди. Чунки бу ва шунга ўхшаш ҳокимнинг руҳсати билан очилган фермерлик хўжалик-лари туманда оз эмас эди. Туман ҳокимлиги зудлик билан бу зарарли ҳаракат-нинг ёйилиб кетмаслиги тадбирларини кўрди. «Ма-масайд ота» ва бошқа деҳ-қон (фермерлар)нинг иш-лашлари учун шарт-шароит-лар яратилди.

Биргина «Мамасайд-ота» деҳқон (фермер) жамоаси 8 гектар безазордан ярим йил-лик фаолияти давомида 12 тонна сўт, 650 кг гўшт топ-ширди. Икки тул икки йил-лик тут қўнати экилиб, пар-варни қилинмоқда. Шу бе-дазорлардан 28,5 тонна пи-

чан халққа арзон нархда сотилди, 5,5 тонна беда му-ҳтож оилаларга техник тар-қатилди. Деҳқон (фермер) ўз ҳисобидан беш тонна аммофос сотиб олди. Ишчи-ларга тарқатилган олийк иш-ҳақлари, молхоналарни кен-гайтириш харажатларини ҳам ўзлари кўтарди. Хў-жалик эса бир сўмлик ҳам ёрдам кўрсатгани йўқ.

Кўриниб турибдики, бун-дан 3—4 йил олдингига нис-батан 8 гектардан олинган наф бир неча баробар усту-нликка эга бўлди. Икки ора-да деҳқон (фермер) хўжа-лигини тарқатиб юборишга ҳаракат қилган жамоа хў-жалиги раҳбарларининг мул-зам бўлгани қолди.

Иброҳим САЛОМОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЧОРА КЎРДИ

«Қишлоқ ҳақиқати» гае-тасининг шу йил 25 сентябрь сониди эълон қилинган «Мақтанганим уйига бор» сарлавҳали мақолада Жиз-зах вилояти Арнасой туман-нинг Ю. Фучик номидаги ижара ширкатлар бирлаш-масида пахта йиғим-терими-га пухта ҳозирлик қўрилма-гани, хусусан, пахта териш машиналари эҳтиёт қисмла-ри таъмирланмагани, нарисий устахонада ишлар ахши таш-кил этилмагани, мутасадди раҳбарлар эса қувуқ ваъда беришдан нарига ўтмаётгани

танқид қилинган эди. Шу муносабат билан Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёрликни ту-галлаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори Арна-сой туманида қандай бажар-илаётганини текширди.

Ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарорга му-вофиқ, Арнасой тумани Хо-қимини Б. Холмқуловга, туман ҳокимининг биринчи ўрин-босари М. Қозоқовга қаттиқ

ҳайфсан эълон қилинди. Ви-лоят Аграрноат уюшмаси раисининг 111-сонли буйру-ғига асосан пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёр-ликни ту-галлаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори Арна-сой туманида қандай бажар-илаётганини текширди.

Ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарорга му-вофиқ, Арнасой тумани Хо-қимини Б. Холмқуловга, туман ҳокимининг биринчи ўрин-босари М. Қозоқовга қаттиқ

МДХ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжа-мияти ҳаётига онд турли воқеа-ҳодиса ва хабарлар билан ҳам ўз вақтида та-нишиш имкониятига эга бўлади. Шу-нингдек, газетадан йирик олимлар, ҳу-қуқшунослар, халқ хўжалиги ҳамма со-ҳаларининг етакчи мутахассислари чи-қилари, фан, адабиёт ва санъат ола-мининг ранг-баранг кўринишлари ўз-инъикосини топади.

Мухтасар қилиб айтганда, муштарий-ни қизиқтирган бирор соҳа газета эти-боридан четга қолмайди. Тўғри, бозор иқтисодиёти жараёнини бардош билан бошқаришга бўлган ўқувчиларимизга обуна баҳоси оғир туюлиши мумкин. Аслида халқ истеъмол молларининг ҳозирги баҳоси билан таққосланса, маъ-навий қадриятлар тикланаётганилиги, бу

борада газетанинг беқияс хизматлари ҳисобга олинса, обуна нархи у қадар юқори эмаа.

Обуна баҳоси бу йил тубандагича белгиланди:

- 1 ойга — 1677 сўм
- 3 ойга — 5031 сўм
- 6 ойга — 10.062 сўм
- 12 ойга — 20.124 сўм.

Алаҳқусус, ҳозир газетaxonга қоғоз нархининг «осмон»далиги-ю, нашр ҳа-ражатларининг мислсиз ошиб кетганли-гини рўқач қилиб ўтиришнинг мавриди эмас. Уларга битта ширин каломимиз бор: «Халқ сўзи» Сизнинг газетангиз унга обуна бўлишни унутманг.

• Обуна-94

«Халқ сўзи»—сизнинг газетангиз

Кекса отахон ҳассасини дўқиллатиб тахрират остонасидан ҳатлади: — Болам, Президентимизнинг пен-сионерларга имтиёзлар бериш ҳақидаги қарори чиқибди газетингларда, бир дона беринг. Киносаларда қолмабди-я. Бош-қа газеталарда кет босилармиш... Орадан икки кун ўтмасдан ўша ота-хон тахрират дарвозасини яна тақил-латди: Газетингларда вазир кекаги фармони шарҳлаб берганимиз, ҳеч жой-дан тополмадим. Шу ерда бир танишиб қиссам бўладими? Бу қутлуғ маюндан одамларнинг қалами узилмади. — Чет эллик ватандошларингизми. Мулоқотга келгандик. — Газетингизга Амир Темур муборак

бўлсин! — Ердам сўраб, илинж билан кел-дик... Телефонлар тинимсиз жириқлайди. Почтачи қизимиз кунли хат ва теле-граммаларни олиб учинчи қаватга аранг кўтарилади. Уларнинг барчасида бугун-ги кунимизнинг нафиси — орзулар, ил-тишлар, ҳаяжону армонлар... Дарҳақиқат, уч йил давомида газета шаклланиб, ўз қиёфасига эга бўлди, аниқроғи, одамларнинг қалбига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Тахриратга тез-тез қадам ранжида қиладиган ота-хоннинг гапида жон бор: Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонуи ва қарорлари даст-лаб бизнинг газетамда чоп этилади. Бун-дан таниқари муштарий Ўзбекистон,

Шарофат БОТИРОВА

Борлиғимда илинж шамн тирилтирар журъатини

ҚУЛАГАН ҚАСР

Юлдузлар ортидан гўлжон санамлар,
Уғирлаб кетишар эрмакларимни,
Қиймалаб юратим ёққан аламлар,
Қул қилиб олишар эртақларимни.

У ерда ёнағайлар Ойгул, Барчиллар,
Музлаган ҳазонинг ўчган қўридай,
Есман гўёки менга ачинар,
Ётсараб кирарман уйга ўғридай.

Эртанлар оламин қасри қулайди,
Гуруғли отамнинг оти йиқилар,
Гулшанда ётсараб бўри увларди,
Оймонга булутни босиб гўлжарди.

Не бўлди, бу ахир қандай хотима?
Евузлик устидан адолат қамар,
Авф этим, китоб-мас, ёмон таржима
Адашиб қўлимга тушиб қоларди.



Ушар ёлди саман елади.
Халқлар қиз-жон олар
нигоҳ,
борган сари яқин келарди.

Дуррасини тушуриб қўлдан,
пар-пар қўйлаб барини
қиз энтикиб ташларди
қандам,
борлиқин ҳам, ўзини
унутиб.

Қўлда ой ҳам уларга
шайдо,
нурларини тўшайди йўлга.
Ул баҳодир бўлди-да
пайдо

шўнғиб кетар икков ўтлоққа
Яшил дунё кучоқларига.

ОЙДН ҚУШИҚ

Ўтлоқлар ястаниб ётибди
яшил дунё кучоқларида.
Опоқ гуллар юлдузлар
каби,
Ўтлоқларнинг
эртакларида.
Ўшал яшил дунёда бир
қиз
Ўтирибди, қўйлаб
пар-пар.
Еноқлари жон
олар-қириниз,
сочларини безайди ушар.

Дуррасини ёнар қўлида,
нигоҳлари йўлда паршон.
Қўрин ошар ой шўласида,

ушар борлиқ мафтун-у

Ўтлоқларнинг яшил
бағрида,
у қиз нечук ўтирибди тоқ?
Еш юраги эмақ бағридай,
висолгани ё ишққа
муштоқ?

Қушлар сайрар,
шовуллайди сув,
Борлиқ тунги ором
қўйинида.
Назматаклар лабини босади,
қиз сочининг жамаласига.

Ийроқлардан келар
қўшироқ,

ЖАЖЖИЛАР БОЛИШН

(ДЕСБОР ВАЛЬМОР ХОНИМДАН.

XVIII-аср француз шоираси).


Жажжитина ёстик, юмшоқ паркувим,
Турли-туман пардан асалган атай.
Оққўз, жоҳил бўйлардан асрағай,
Ичига ютажак меннинг қўруқим,
Оч яланғоч қолган етим болалар,
Естисиз, уйқусиз кунларни вайрон.
Уйқули кўзлари тополмай ором,
Ошанинг меҳрига зор бўи ўтгайлар.

Яратган эгмдан сўрадим толиб,
Шул кичик гуноҳсиз жонларни қўлда,
Хар кунин ёстиминг кучганин палла
Онамга сўхатлар тилидим ёниб.

Томг билан ёруғ нур тушса хонамга
Қўн юзи қалбимда очадн чирой,
Хаётин янада қўриқур хушрўй,
Сархушлик тилайман ёруғ оламга.

Дур:

Чорасиз етимларнинг сизла бошини,
Қўлларин дуога очдим худойим,
Отасиз, онасиз қилма илоийм,
Келажак асрасин ўз қўшини.
Кечлари самодан фаришта юбор,
Ювчилар ер юзидан гуноҳларини.
Етимлар бошинга ёстиқлар қўйиб,
Уйқусин тинч қилсин кичик жонларини.



Икки кўчорнинг бош... бир майдонга сиймайди.

(ЎзА тасвири).

Спорт. Спорт. Спорт

«ПАХТАКОР»: П. Бугало, М. Алиев, Ф. Магомедов,
М. Қосимов, Н. Ширшов, С. Моргунис, Н. Хасанов, Э.
Назаров, Д. Ивонгородский (М. Собирова — 83), Ш.
Мақсудов (Р. Галиев — 83), И. Волков (Д. Назаров — 87).
«НЕФТИЧИ»: Н. Осмонов, А. Миклаев, А. Федоров,
Э. Маматов, А. Тихонов, А. Дурмонов, С. Атоян, С. Ле-
бедев, Р. Бозоров, А. Царев (Р. Абдуллаев), Р. Дур-
монов.

Хисоб: 5:4. Тўпларни: М. Алиев (36), Н. Хасанов (38),
С. Атоян (40), Ш. Мақсудов (42), Р. Дурмонов (53),
Ф. Магомедов (64), А. Дурмонов (73), М. Қосимов (83)
киритишди.

МАВСУМДА ҳали бундай
қизиқарли футбол учрашу-
ли бўлмаган эди. Хар икка-
та жамоанинг муваффақият-
ли рақиб дарвозасидан қи-
ришди ўйиннинг кескин ва
мўросасиз ўтишини таъмин-
лади. Тўқсон дақиқа даво-
мида гоҳ у, гоҳ бу дарвоза
олдида хавфли вазиятлар
тез-тез вужудга келиб тур-
ди. Табиғийки, учрашув таф-
силотларга бой бўлди. Қо-
лаверса, нафақат 24-турнинг,
балки мавсумнинг марка-
зий учрашуви бўлганлиги,
юз минглаб футбол мухлис-
ларининг диққат эътибори-
да турганлиги учун бугун-
ги шарҳимизни асосан шу
ўйинга бағишладик.

ЎЙИН ОЛДИДАН

АҲАМИЯТИ жиҳатдан
ўйин тақдирини ҳар икки жа-
моа учун бир хил эди. Тўри-
чи, «Нефтич» бу учрашувни
ютказганда ҳам ҳеч нарса
йўқотмасди. Аммо мағлуби-
ят асосий рақибини чемпи-
онлик учун курашнинг янада
даном эътиришга руҳлантир-
ган бўларди. Агар «Нефти-
чи» бу ўйинда ютса, «Пах-
такор»нинг чемпионлик баҳ-
сидан деярли 99 фоиз чет-
лаштирилади ва мавсумнинг
сўнгги учрашувларини ба-
майлихотир ўтказиб, асосий
кучини биллур соврини ўйин-
ларига сарфларди. «Пахта-
кор» эса асосий, иккинчи
даражаси «қўқилчилари»-
ни асосий рақибига қарши
баҳсда оқлаши, мухлислари
қалбига деярли сўнган умид
шўласини алаҳга олдириши
лозим эди. Шунинг учун бўл-
са керак, «Спорт» газета-
си уюштирган сўровда қат-
нашган 13 спорт журналисти-
дан 8 киши «Пахтакор»нинг
кички ҳисобда ғалаба қозо-
нишини қайд этган. Ваҳолан-
ки, Ўзбекистон чемпионати
учрашувларида «Пахтакор»
шу пайтгача бирор марта
«Нефтич» устидан ғалаба
қозongan эмасди. (Жиззах-
даги ўйин бундан мустас-
но). Яна шунини айтиш жоиз-
ки, «Нефтич» бу йилги ма-
сумда 20 учрашудан буюн
мағлубит нимадигани бил-
май келаятган эди. Улар
мавсумдаги ягона мағлуби-
ятга 30 марта яъни бирин-
чиллигини иккинчи турда
учраганда. Бунинг устига
фарғоналиклар охириги мар-
та баҳорда — 13 май кун
«Сўғдиёна» билан дуранг ўй-
наган, шундан буюн фақат
ғалаба қозониб келаятган
эди. «Нефтич» иккинчи
даражаси олти учрашуви-
да (бештасида кетма-кет) и-
рини ҳисобда ғалаба қозонди.
Шунга қарамай, бор йўғи
икки спорт журналисти
«Нефтич»нинг ушбу ўйинда
ғалаба қозонишини эътироф
этди. «Пахтакор» марказий
ўйингоҳига ташриф буюрган
томошабинларнинг 80 фон-
зи ҳам «Нефтич»нинг мух-
лислари эди.

ЎЙИН

УЧРАШУВ бошлангичи бил-
ан ўйинчиларнинг ҳаяжон-
ланишгаётгани сезилди. Шу-
нинг таъсирида ҳар икки

жамоанинг ҳужумларида па-
да-партишлик, ноаниқлик,
ўйинчилар томонидан тез-
тез хатоликка йўл қўйиш
кўзга ташланди. 15-дақиқа-
да пахтакорчи С. Моргунис-
нинг дарвозабон Н. Осмо-
нов билан яккама-якка чи-
қиши ўйиннинг бурилиш
нуқтаси бўлди, дейиш мум-
кин. Гарчи тўп дарвозага
киритилмасди, аянан шу
вазиратдан сўнг ҳар икки жа-
моа ўйинида жонлангич,
мазмун пайдо бўлди. Мав-
сумнинг энг сермахсул тўп-
урашлари Рустам Дурмонов
ва Шухрат Мақсудов бир
мартадан дарвозабонларнинг

нинг қарши ҳужуми тош-
кентликларни бир зум ҳам
бушашмасликка, хотиржам-
ликка берилмасликка қачир-
ди. Ўттиз беш метр узоқ-
ликдан Степан Атоян теп-
ган тўпни Павел Бугало қай-
таришга оқиллик қилди.
Фарғоналиклар қувончлари-
ни ҳазм қилишга улгурмай,
яна ҳисоб ўзгарди. Бу са-
фар «Пахтакор»нинг моҳир
тўпураи Шухрат Мақсу-
дов дарвозани аниқ нишонга
олди. Биринчи бўлим 3:1
ҳисобида тошкентликлар ға-
лабаси билан тугади.

Иккинчи бўлим «Нефтич»-
нинг кескин ҳужумлари бил-
ан бошланди. Меҳмонлар
эса қарши ҳужумда ўйнади.
Энг хавфли вазият 50-дақи-
қада юзага келди. Яна
меҳмонларнинг ҳимоячиси
Мурод Алиев меҳмонлар жа-
рима майдонига пайдо бўлди.
Бироқ бу сафар Мурод жа-
моадони Шухратга тўпни
узатиб, хато қилди.

53-дақиқа. «Пахтакор»
дарвозасига тўп қанотдан
жарима тўғи белгиланди.

МУТАХАССИСЛАР ҲИСОБДА АДАШИШДИ



серғаклигини синаб қўриш-
ди. Шундай кетма-кет ҳу-
жумларнинг биринчи тош-
кентликларнинг ҳимоячиси
Мурод Алиев ўз жарима
майдонига рақибидан тўп-
ни усталик билан олиб қўй-
ди ва олдинга ташланди.
Икки марта жамоадонларга
қўлди тўпни бир-бирларига
нолиқ, пала-партиш уза-
та бошлашди. Бундан фарғона-
ликлар усталик билан фой-
даланишди. Мавсумнинг энг
моҳир тўпураи Рустам Дур-
монов ҳисобни тенглаштир-
ди. Бу тўпда ҳам Атоян
ҳиссаси бўлди.

64-дақиқа. «Пахтакор»-
нинг қарши ҳужумларидан
биринчи «Нефтич» дарвоза-
бонини тўпни ушлаган ҳолда жа-
рима майдонидан чиқиб кет-
ди. Жарима белгиланди. То-
мошабинлар, майдондаги
ўйинчилар, дарвозабон ҳам
тўпни Миржало Қосимов
тепишини куттиди. Бироқ
тўпнинг ёнида турган Фар-
ход Магомедов уни усталик
билан «жонли девор» оша
дарвозага йўллади.
«Нефтич» ўйинчилари
бундай оғир вазиратга ўла-
рини қўлга ола билдиши.
Кескин ранг-баранг ҳужум
қилишда давом эттиди.
Шундай ҳужумларнинг би-

рида «Пахтакор» дарвозаси
забт этилди. Бироқ учра-
шув бош ҳақами Мосиян
уни ҳисобламади. Чунки тўп
дарвозага киритилгунча
«Нефтич» ҳужумчилари дар-
возабон Павел Бугалога қай-
батан ноҳўя ҳаракат қилиб,
ўйин қондасини бузишди.
Бундай қарорга «Нефтич»
ўйинчиларининг асаблари
дош берди, аммо бош му-
рабий Юрий Саркисян чи-
дамади. У майдонни намо-
йишкорона тарк эта бошла-
ди. Бироқ уни ярим йўлдан
шогирдлари қайтаришди.

Яъни шу лаҳзаларда ўнг қа-
рот буйлаб ҳужумга ўтган
Рустам Дурмоновнинг акаси
Асад тўпни бир неча ҳимоя-
чи қўршовида дарвозага йўл-
лай олди. Ҳисоб ана тенг-
лашди. Шу орада Нўмон
Хасанов майдондан чиқиб,
поябалини алмаштирди.
Аслида низомига кўра бун-
дай ҳолатлар учрашув бош
ҳақами назоратида бўлиши
керак эди, бироқ Нў-
моннинг майдонга тушишига
рухсат беришни бир қанча

ўрнига Р. Галиевни май-
донга чиқармоқчи бўлиб ра-
қам таъқасини кўтарганда
бош ҳақам «Пахтакор» тар-
кибидан кимдир қичиб кети-
шини кутди. Ҳеч ким май-
дондан қичиб кетмагача,
Галиева ҳеч-бир ишора
қилимай майдондаги тўпни
ўйинни давом эттиришга
рухсат берди. Чунки у
Мақсудовнинг майдонни
тарк этганлигини билмасди-
да. Нима қиларини билмай
тўпни қолган Р. Галиев ўз
хоҳиши билан майдонга чи-
қди. Аянан шу лаҳзада М.
Қосимов жарима тўпни
қойилмақом қилиб дарвоза
тўрига туширди. Шундай
қилиб «Пахтакор» 5:4 ҳисо-
бида ғалаба қозонди. Мута-
хассислардан ҳеч ким бу ҳи-
соби қайд қилишмагачи.

ЎЙИНДАН СЎНГ

МАТБУОТ конференция-
сида журналистларнинг са-
волларига жавоб бера туриб
«Нефтич»нинг бош мурабий-
си Ю. Саркисян «Пахтакор»
киритган беш тўпнинг тўрт-
тасини ҳақамнинг хатога
йўл қўйиши оқибати деб баъ-
қолди. Шунингдек, ўйин-
гоҳ суҳбатидан эълон қилган:
«Учрашувга Ю. Саркисян
илтимосига кўра тошкент-
лик ҳақамлар бригадаси
ҳақамлик қилипти», — деган
фикрин рад этди. Унинг ай-
тишича, учрашувга Ўзбе-
кистондаги энг моҳир ҳа-
қамлар назоратчилик қи-
лишни сўраган. Умуман,
мурабий шогирдларининг
ўйиндан қониқиб ҳис қил-
ган. «Пахтакор»нинг бош
мурабийси эса шогирдлари-
нинг майдондаги ўзини ту-
та билмаслиги эстетикани
эидлигини қайд этди. Бир-
роқ ҳар қандай ҳолатда у
М. Қосимов ва Ш. Мақсу-
довнинг ҳимоясига таъйир-
лигини айтди. Ушбу учрашувда
юқорида бош мурабий таъ-
кидлаган ҳар икки ўйинчи
кераксиз вазиратда ҳақамдан
оғохлангичини олди. Де-
маки, мурабий ҳимояга
ўтаркан, бу уларнинг минг-
лаб томошабинлар кўз ўнги-
да қондубозарлик қилве-
ришларига йўл очиб дегани
эмасми?

Ушбу турнинг қолган уч-
рашувларида қўйилган на-
тижалар қайд этилди:

«Орол» — «Янгир» — 1:0;
«Нурафшон» — «Динамо» —
3:1; «Политотдел» — «Нав-
рўз» — 2:0; «Шифкор» —
«Сўғдиёна» — 1:2; «Темир-
йўлчи» — МХСК — 2:1; «Нав-
бахор» — «Трактор» — 3:0;
«Кушона» — «Чирчиқ» — 3:1.

Навбатдаги тур учрашу-
лари 8-9 октябрь кунлари
ўтказилади. Марказий учра-
шув Фарғонада бўлади.
«Нефтич» 9 октябрда «Нав-
бахор»ни қабул қилади.
Афсуски, мавсум бошида
натта ваздалар берган Ўз-
бекистон ойнаи жаҳдн бу
муҳим учрашувни олиб қў-
ратилиши режалаштирилган.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЯ ЛИГАДА 24-ТУРДАН СЎНГИ ВАЗИЯТ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтич»	24	19	3	2	66:21	41
2. «Пахтакор»	24	17	4	3	57:22	38
3. «Навбахор»	23	15	5	3	50:23	35
4. «Сўғдиёна»	24	13	7	4	38:21	33
5. «Темирйўлчи»	23	12	4	7	28:20	28
6. «Нурафшон»	24	11	5	8	38:28	27
7. «Наврўз»	24	9	7	8	36:32	25
8. «МХСК»	24	8	8	8	32:36	24
9. «Политотдел»	24	9	2	13	45:44	20
10. «Орол»	24	9	2	13	28:45	20
11. «Трактор»	24	6	6	12	17:31	18
12. «Янгир»	24	6	4	14	25:37	16
13. «Кушона»	24	5	6	13	27:43	15
14. «Шифкор»	24	7	1	16	27:43	15
15. «Чирчиқ»	24	6	2	16	33:50	14
16. «Динамо»	24	5	2	17	16:42	12

ОЧКОЛАР, ВОҒЕЛАЛАР, НАТИЖАЛАР...

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол феде-
рацияси учта терма жамоа-
сининг Марказий Осиё
кубоги учрашувларида қат-
нашшини инобатга олиб,
биллур соврин ва чемпионат
ўйинлари жадалига бирму-
ча ўзгартишлар киритди.

Нобайр ойнаи бошида ўт-
казилиш мўлажиди бил-
лур соврин баҳсининг бирин-
чи финал ўйинлари 16 октябрь
ва 5 ноябрь кунлари ўткази-

лади. Ярим финалнинг даст-
лабки учрашувлари қуръага
кўра Тошкент ва Фарғона-
да бўлиб ўтади. «Пахта-
кор» «Атласчи»ни, «Нефти-
чи» эса «Навбахор»ни қа-
бул қилади.

15 ноябрда Миллий терма
жамоамиз — Қозғистонда,
олимпиадачиларимиз Биш-
кекда, ёлларимиз Наман-
ганда майдонга чиқишлари
режалаштирилган.

ДАРВОЗАБОН ТЭП

КИРИТДИ

Биринчи лиганинг «Маш-
ал» — «Олмалик» учрашу-
вида томошабинларни тўл-
қилангичлигига ҳодиса рўй
берди. Учрашув тугашига
бир дақиқа вақт қолганда
майдон эгалари — муборакли-
лар 5:0 ҳисобида ғалаба қо-
зонишгаётган эди. Бош ҳақам
сўнгги дақиқада меҳмонлар
ўз жарима майдонига ўйин

қондасини бузганлигига ино-
батга олиб 11 метрлик бел-
гини қўратди. Жаримени
амалга ошириш учун тўпа
«Машал»нинг ҳужумчиси
эмас, дарвозабон О. Ка-
хоров қўйилди ва уни ра-
қиблар дарвозасига аниқ
йўллаб, ҳисобни 6:0 га ет-
казди.

2 СОАТЛИК ЗАВҚ УЧУН

100 МИНГ ДОЛЛАР

Ўзбекистон футбол мух-
лислари биринчи марта
УЕФА турнирининг «Нор-

вич» (Англия) — «Витесс»
(Голландия) учрашувини
республика ойнаи жаҳон
орқали кўришга муваффақ
бўлишган эди. Репортаж
тўғрисида тўғри Англиядан
олиб кўрсатилди. Ўзбеки-
стон футбол мухлисларининг
икки соатлик қувонч учун
Голландиянинг АЕС фир-
маси 100 минг доллардан
кўпроқ маблағ сарфлади.
Ушбу жамоаларнинг тақрир-
ий беллашувини ҳам (ёзиб
олинган) республика ойнаи
жаҳон кўрсатишни режа-
лаштирипти.

МЕҲНАТИГА ЯРАША БЎЛСИН

Шаҳридон туманидаги
манжуд ўн иккита қишлоқ
кенгашлари ва тумандаги
47 та ўрта мактабга қишлоқ
кепашси марказлашган бух-
галтерлар хизмат қила-
ди. Кичикнинг масъули-
ятчилигини сўба бу ерда
ижтимоий адолат бузилган
қишлоқ кенгашларидаги иш

меҳрига қараганда иш ҳақи
оз белгиланган. Масалан,
туманимизда учтадан ўрта
мактабга хизмат кўрсатаёт-
ган бухгалтерга ҳам, оли-
тадан мактабга хизмат кўр-
сатаётган бухгалтерга ҳам
бир хил иш ҳақи белгилан-
ган. Ваҳоланки, қўшим-

А. ҲОЛИҚОВ, Г. ТУР-
ҒУНОВ, Абдунабий қишлоқ
кепашси, Андижон вилоя-
ти.

Тошкент шаҳар ҳоқими
маҳкамасининг халқ таъли-
ми бошқармаси ҳузуридаги
«Хилоф» ўқув ишлаб чиқа-
риш бирлашмаси жамоаси
кепашси Раис Аҳмад Ази-
мовга ва оила аъзоларига
падарн бузуручлиқлар
АЗИМОВ Маҳкам отанинг
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия билди-
ради.

Ўзбекистон Республикаси
Коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги жамоаси бошқар-
ма бошлиғи Н. Иноғомовга
ҳамда «Ўзбекистон» бошқар-
маси бошлиғи А. Иноғомовга
оналарни

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-
ридаги Солиқ бош бошқар-
маси жамоаси бошқарма-
сини бўлим бошлиғи С. А.
Муҳиддиновга акаси
Баёз МУҲИДДИНОВнинг
бевақт вафот этганлиги му-
носабати билан чуқур таъ-
зия изҳор қилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақ-
лаш вазирлиги эпидемиоло-
гия, микробиология ва
юқумли касалликлар инсти-
тути ҳамда клиникаси жа-
моалари тибобет фанлари
номзоди М. Туроповга рафи-
қаси
Ўстамхон АҚРАМОВнинг
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

Тошкент кимё-технология
институтини «Ижтимоий-гуман-
итар фанлар» кафедраси
жамоаси кафедрани ҳодими
Х. Мақсудовга падари бузу-
ручлиқ
Хайрулла ОТАНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор
этиди.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 84608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВЕВ

ТАҲРИР ҲАҲАТИ:

Абдунаб БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Мир